

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 26 январь куни Тошкентда бўлиб ўтаётган Осиё Олимпия кенгашининг 46-Бош ассамблеясида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида тобора кучайиб бораётган глобал зиддиятларга қарамай, спорт давлатлар ва халқлар ўртасидаги мулоқот, ўзаро англашув ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг универсал воситаси сифатида ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида ҳам сўз юритди.

Тадбир якунида Шайх Жавъан бин Ҳамад Ол Соний олимпия ҳаракатини ривожлантириш, муҳим спорт ташаббусларини илгари суришга қўшаётган алоҳида ҳиссаси учун Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди.

Тадбир тафсилотлари билан батафсил танишиш учун қуйидаги QR кодни сканер қилинг: @SHMIRZIYOYEV

26 январь – Ўзбекистон давлат божхона хизмати органлари ходимлари кун муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев божхона соҳаси ходимлари, офицер-генераллар ва фахрийларни табриклади.

Ўзбекистон божхона соҳаси ходимларига йўлланган табрик матнини ушбу QR код орқали ўқинг:

Статистика БУНЁДКОРЛИК КўЛАМИ ҚАЙСИ йўналишда КЕНГАЙМОҚДА?

Миллий статистика қўмитасининг дастлабки маълумотларига кўра, 2025 йилда Ўзбекистонда бажариладиган қурилиш ишларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланишида энг юқори –

69,7 фоиз улуш

бино ва иншоотлар қурилиши йўналишига тўғри келган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми қуйидагича:



бино ва иншоотлар қурилиши йўналиши – 218,7 трлн. сўм

фуқаролик объектлари қурилиши йўналиши – 64,9 трлн. сўм

иқтисослаштирилган қурилиш ишлари йўналиши – 30,2 трлн. сўм

Соғлиқни сақлаш вазирлигига!

КЛИНИКА ҚАЧОН ИШГА ТУШАДИ?

Бугун Андижонда қайси даврада тиббиёт мавзусидан сўз очилса, албатта, бир савол ўртага ташланади: «Клиника қачон ишга тушаркин?». Бу гап қарийб беш йилдан буён реконструкция ишлари якунланмаётган йирик муассаса – Андижон давлат тиббиёт институти клиникасига тааллуқли.



Фарғона водийсида яшовчилар яхши билишадикки, 1975 йилда қуриб битказилган 650 ўринли ушбу даргоҳ йиғирмата бўлимда беморларга юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатган. Мингдан зиёд тиббиёт ходимлари меҳнат қиладиган муассасага бир йилда 90 мингга яқин фуқаро мурожаат этар, ўртача 30 мингдан ортиқ бемор стационар шароитда даволанарди.

Институт ва унинг клиникаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилиниб, устувор вазифалар белгиланди. Унда Андижон вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, буюртмачи ва бош пудрат ташкилоти билан биргаликда объектнинг қурилиш-монтаж ҳамда жиҳозлаш ишларини 2022 йил якунига қадар тўлиқ якунлаши ҳамда фойдаланишга топширилишини таъминлаши кўзда тутилди. Бироқ орадан бир неча йил ўтса-да, унинг очилиши ортга сурилаверди. Ҳолбуки, 2021-2024 йилларда қурилиш-реконструкция ишларига бюджет маблағлари ҳисобидан 196,4 миллиард сўм йўналтирилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 18 ноябрдаги тегишли қарорига биноан эса, 2025 йилдан реконструкция ишлари Андижон давлат тиббиёт институти маблағлари ҳисобидан олиб борилиши кўзда тутилган. Расмий маълумотларга кўра, шу мақсадда 80 миллиард сўм ажратилган. Ушбу масала ўтган йил август ойида вилоят маҳаллий матбуотида ҳам ёритилган, жумладан, юқоридаги савол билан институт раҳбариятига мурожаат қилинган. Бунга жавобан клиника биноси 2025 йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши айтилган. Аммо, мана, 2026 йилнинг биринчи ойи поёнига етгач, объект ишга туширилган ҳали-ҳамон дарак йўқ.

Вуғун клиниканинг бўлимлари Андижон шаҳридаги 7 та ҳамда Андижон туманидаги 1 та даволаш-профилактика муассасаси биноларида ишляпти. Тиббий хизмат сифати ва шарт-шароитлари билан унча-мунча санаторийдан қолшимайдиган бальнеология бўлими фаолияти эса тўхта-тилган. Бўлимларнинг тарқоқ

ҳолатдаги фаолияти, бешинчи йилдирки, турли соҳа мутахассисларининг доимий мулоқотларига, беморларни даволаш борасида мунтазам равишда ўзаро маслаҳат йиғинлари – консилиумлар ўтказишларига имкон бермаётир. Қолаверса, талабалар амалиёти борасида ҳам қатор нуқулликлар юзага келаётир.

Институт матбуот хизматининг айтишича, объект жорий йил апрель ойида фойдаланишга топширилиши кўтиляпти. Бироқ беш йиллик жараёнлар ҳулосасига таянмаса, бу гапга ишонч йўқ.

Хуллас, вазирликка савол шу: Андижон ақли ва минглаб тиббиёт ходимлари маҳтал бўлиб кутаётган клиника қачон қайтадан ишга туширилади?

Нурилло НЎҲМОНОВ «ISHONCH»

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Йиғилиш

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши мажлисида 2025 йил якунлари ва 2026 йилга мўлжалланган устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

ТАҲЛИЛ ИСТИҚБОЛ йўлини БЕЛГИЛАЙДИ

Кенгаш раиси Гулсара Қурбонбоева ўз маърузасида йил давомида амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ва мавжуд муаммолар ҳақида атрофида тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, 2025 йил касаб уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги билан ёдда қолди. Шунингдек, буттур барча даражадаги касаб ташкилотларида ҳисобот-сайлов жараёнлари ўтказилди. Айниқса, нодавлат секторда касаб уюшмаларини ташкил этиш бўйича олиб борилган ишлар эътиборга молик: 2346 та корхона ва муассасада янги касаб уюшмалари тузилиб, 63 мингдан ортиқ ходим қамраб олинди.

Ўтган йили меҳнат муҳофазаси ва ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳам амалий натижаларга эришилди. Ходимлар меҳнатини муҳофазаси қилиш, уларга соғлом ва хавфсиз иш шароитларини яратиш ҳамда ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасида иш берувчиларга 26 та тақдимнома киритилди. Меҳнат муҳофазаси бўйича 260 та камчилик аниқланиб, касаб уюшмалари аралашуви билан 124 таси бартараф этилди. Фуқаролар мурожаатлари

билан ишлашда ҳам самарадорлик юқори бўлиб, 180 та мурожаат қонуний асосда қўриб чиқилди. 23 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланиб, уларнинг фойдасига 235 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундирилди.

Касаб уюшмалари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар кенг қўламада қўллаб-қувватланмоқда.

Касаб уюшма ва ижтимоий суғурта бюджетлари ҳисобидан санаторий-курортлар хизмати учун 11 млрд. 838 млн. сўм маблағ сарфланди. Корхона ва ташкилотларда ишлаётган 3311 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари касаб уюшмалари тизимидаги санаторийларга йўланmalar билан таъминланди. 29 та оромгоҳда 12 минг 668 нафар бола соғломлаштирилди.

Кенгаш раиси ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликларни ҳам кенг таҳлил қилди. Сўнгги 2026 йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгиланди. Шунингдек, раёсат йиғилиши ўтказилиб, қатор масалалар муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаббат Тўрабоева «ISHONCH»

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгашининг I мажлиси соҳа олдида турган янги вазифаларга жавоб изланган, масъулият яна кучайтирилган тадбир сифатида ўтказилди.

«БИЗГА РЕАЛ НАТИЖАЛАР КЕРАК»

Унда кенгаш аъзолари, шаҳар ва туман кенгашлари раҳбарлари, бошланғич ташкилотлар раислари ва бошқалар иштирок этишди.

Асосий эътибор касаб уюшмалари жамиятда қандай ўрин тутаётгани ва у келгусида қандай мазмун билан тўлдирилиши лозимлигига қаратилди. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2025 йил 26 декабрь куни Олий Мажлис ҳамда халқимизга йўллаган Мурожаатномасида бот-бот таъкидлаган ижтимоий адолат, муносиб меҳнат ва инсон қадрини улуғлаш тамойиллари касаб уюшмалари фаолияти билан бевосита боғлиқ экани чуқур таҳлил қилинди.

Кенгашнинг ўтган йилги фаолияти танқидий руҳда кўриб чиқилиб, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоа шартномалари ижросини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси бўйича амалга оширилган ишлар қайд этилар экан, айрим соҳаларда ҳали ҳам муаммолар борлиги эслатилади.

Йиғилишда, шунингдек, Федерациянинг IX Курултойида қабул қилинган қарорлар атрофида муҳокама қилинди. «Янги Ўзбекистон – янги касаб уюшмалари» ғояси ҳар бир масъулнинг қондалик иш услубига айланиши шартлиги алоҳида уқтирилди. 2026-2030 йилларга мўлжалланган стратегик йўналишлар доирасида ҳам замонавий бошқарувни йўлга қўйиш, рақамлаштириш, аъзолар билан ишлашда янги усуллари қўллаш, ҳуқуқий ҳамда маънавий-маърифий фаолиятни кучайтириш вазифалари белгилаб олинди.

Мажлис якунида қабул қилинган қарорлар битта ҳақиқатни яна бир бор эслатди: касаб уюшмаларининг кучини қарорлар сони эмас, балки уларнинг иш жойларида реал натижа бериши белгилайди. Демак, янги давр касаб уюшмаларида янада кучлироқ масъулият талаб қилади.

Дилдора ИБРОҲИМОВА «ISHONCH»

Қарор ва ижро

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЯНАДА КУЧАЙДИ

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Фаргона вилояти кенгаши томонидан Президентимизнинг «Давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят тиббий муассасалари харажатлари учун 2026 йилга молиялаштириш ва молиявий-иқтисодий йўналишларни тўғри ташкил этиш юзасидан семинар ўтказилди. Унда вилоятдаги иш берувчилар, бош бухгалтерлар, кадрлар бўлими ходимлари, тиббий муассасаларнинг иқтисодчилари, туман ва шаҳар тиббий бирлашмалари касба уюшмаси раислари иштирок этдилар.

Авало, шунингдек, керакки, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори ижросини таъминлаш соғлиқни сақлаш ҳосасида амалга ошириладиган тизимли ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мазкур ҳужжат давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этиш орқали аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини ошириш билан бирга, тиббий хизмат кўрсатувчи ходимлар – шифокорлар ва ҳамшираларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, – деди семинарда сўз олган Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Бобур Пиримқулов.

Қарор доирасида тиббий хизматларни молиялаштиришнинг шаффоф ва аниқ механизмлари жорий этилиши назарда тутилган. Бу эса тиббий муассасалар фаолиятини барқарор молиялаштириш, шифокорлар ва ҳамширалар меҳнатига ҳақ тўлашда адолатли ва асосли ёндашувни таъминлашга қаратилган.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Жамоатчилик назорати

МУАММОЛАР НИЗОСИЗ ҲАЛ БЎЛДИ

Фалокат оёқ остида, деб бежиз айтилмаган. Бундан тўрт йил аввал Кўргонтепа тумани йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси ходими И.Дадажонов ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ҳаётдан кўз юмади. Маълумки, бундай вазиятларда марҳум оиланда ёлғиз боқувчи бўлса, унинг вояга етмаган фарзандлари учун нафақа ва зарар тўловлари тўлаб берилиши қонунчиликда назарда тутилган.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори томонидан юқоридаги ҳолат ўрганилди. Ходимнинг олти йиллик иш ҳақи миқдоридидаги маблағ, яъни бир йўла берилган нафақа тегишли тартибда тўлаб берилган бўлса-да, марҳумнинг фарзандига боқувчисини йўқотгани учун ойма-ой тўлашни лозим бўлган тўловлар ҳал этилмагани аён бўлди. Иш берувчи ва касба уюшмаси вакиллари ўртасида бўлиб ўтган мулоқотда зарар

тўловлари атайин эмас, балки масъулларнинг қонунчиликни тўлиқ тушуниб етмагани оқибатида амалга оширилмагани ойдинлашди. Тез орада муассаса маъмурияти марҳумнинг оиласига 36 миллион сўм миқдоридаги зарар тўловини тўлаб берди.

Таъкидлаш жоизки, Федерациянинг вилоят кенгаши меҳнат техник инспектори томонидан 2025 йил давомида 15 та корхона, ташкилот ва муассасада жамоатчилик назорати олиб борилди. Ўрганишлар натижасида 25 та камчилик аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан иш берувчиларга кўрсатмалар киритилди. Натижада 1504 нафар ишчи-ходимнинг меҳнатига оид ҳуқуқлари тикланди.

Сўз бораётган даврда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса туфайли ойлик зарар тўлови олиш ҳуқуқига эга 10 нафар жабранлувчи фойдасига иш берувчилардан 273 миллион 100

минг сўм ундирилди. Бундан ташқари, жамоатчилик назорати тадбирлари доирасида 1156 нафар ходим тиббий кўриқдан бепул ўтказилди, зарарли меҳнат шароитида ишлаётган 22 нафар ходим сут ва унга тенглаштирилган маҳсулотлар билан таъминланди. 309 нафар ходимга тегишли йўл-йўриқлар берилди, яна 7 нафар меҳнаткашнинг меҳнат муносабатларига дахлдор ҳуқуқлари тикланди. Бу мақсадлар учун иш берувчилар ҳисобидан жами 229 миллион сўм сарфланди.

Бир сўз билан айтганда, жамоатчилик назорати айрим иш берувчилар фаолиятидаги ҳаракатсизлик ва тушунмовчиликларга барҳам беришда кўл келмоқда.

Музаффар АЗИМХУЖАЕВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

Эй фарзанд, илм ўрган, илм билан бирга одобни ҳам ўрган, чунки одобсиз илмдан ҳеч манфаат йўқдир.

Абдуллоҳиқ Гиждувоний

Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 52-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчилари Я.Чимбердиева, Ш.Муталова ҳамда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси М.Юнусовага Kundalik.com сайти билан боғлиқ иш туфайли интизомий жазо қўлланилди.

«ХАЙФСАН» БЕКОР ҚИЛИНДИ

Уларнинг мурожаатидан сўнг Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши мазкур ишни ўрганиб чиқди. Ш.Муталова мактаб касба уюшмаси кўмитаси раиси, Я.Чимбердиева ҳамда М.Юнусова кўмита аъзолари экани аниқланди.

Мутахассислар бу чора «Ўзбекистон касба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасига зид эканини ва «хайфсан»ларни бекор қилишни сўраб, иш берувчига кўрсатма хати киритди. Zero, ушбу моддада касба уюшмаси таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдан овоз этилмаган ходимларга шу орган розилигисиз интизомий жазо қўлланилиши мумкин эмаслиги белгиланган. Шу боис иш берувчи ўқитувчиларга қўлланилган интизомий жазоларни бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқарди.

Шокир ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Машраб МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши меҳнат техник инспекторлари



СУҒУРТА ПУЛЛАРИ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ

Хоразмлик Сўлмас Сададдинова ўтган йил август ойида содир бўлган автофалокат туфайли ҳам жисмонан, ҳам маънан азият чеқди. Ҳодиса тегишли тартибда расмийлаштирилиб, айбдор фуқаро билан келишувга эришилди. «GROSS» сугурта компанияси томонидан товон пули тўлаб берилганидан бўлди. Бироқ белгиланган муддатда келишилган маблағ ажратилмади. С.Сададдинова ташкилотга бир неча бор мурожаат қилди, аммо ҳеч қандай наф бўлмади.

Шундан сўнг у ақинларининг маслаҳати билан Ўзбекистон касба уюшмалари

Федерацияси қошидаги 1211 рақамли «Ишонч телефони»га сим қоқди.

Мурожаат Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди ва бир ҳафта ичида ҳал этилди. Вазирлар Мақамасининг 2008 йил 24 июндаги тегишли қарори билан тасдиқланган

қондаларнинг 50-банди талабларига мувофиқ, «GROSS» АЖ сугурта компанияси томонидан Сўлмас Сададдиновага 3 900 000 сўм миқдорда сугурта товон пули тўлаб берилди.

Муҳаббат ТўРАБОВЕВА
«ISHONCH»



Инсон умрининг мазмуни эзгу амаллари, эл-юртга садоқат билан қилган хизматлари билан ўлчанади. Ана шундай ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтган фахрийлардан бири Абдумуталлиб Қосимовдир.

У касба уюшмалари тизимида 30 йилдан ортиқ ишлаб, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, инсон қадрини улуглашга катта ҳисса қўшди. Самимийлиги, ҳалоллиги ва самарали меҳнатлари туфайли эл-юрт

орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Муборақ 77 ёшни қаршилаётган фахрий хонадонига касба уюшмалари вилоят кенгаши хо-

расида амалга ошириладиган ишлар, янгича ёндашувлар ва устувор вазифалар ҳақида тўхталди. Абдумуталлиб ака эса

ҚАДР ВА ЭЪЗОЗ

димларининг ташрифи унинг кўнглини шод этди. Дилдан суҳбат давомида ўтган йиллар ва ҳаёт сабоқлари эста олинди.

Кенгаш раиси ўринбосари Қосимжон Холбоев бугунги кунда меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бо-

расида амалга ошириладиган ишлар, янгича ёндашувлар ва устувор вазифалар ҳақида тўхталди. Абдумуталлиб ака эса

– Инсон учун энг катта бойлик – ҳалол меҳнат туфайли орттирил-

Касаба уюшмаси аралашгач...

ХАТОЛАРДАН САБОҚ ЧИҚАРИШ ЛОЗИМ

Раҳбариятнинг гайриқонуний ҳаракати уч нафар ходимни ташвишга солди. Босим остида қолган ҳамширалар нажот ис-таб кўп эшикларга бош суқишди. Кўмакдан дарақ бўлмагач, касба уюшмаларидан ёрдам сўрашди...

Пастдарғом тумани тиббий бирлашмасига қарашли оилавий поликлиникадаги бу ҳолат қонунга тўғри келмайди. Куйида соғлиқни сақлаш муассасаси ҳамширалари Луиза Шермаматова, Гулшода Тўқсонова, Қушоғай Шермаматова жамоат ташкилоти кўмагида омон қолган «довул» тафсилотларига тўхталамиз.

Жорий йил бошида туман тиббий бирлашмаси маъмурияти мазкур поликлиниканинг уч нафар ҳамширасига таклиф билан чиққан.

Муассасада гинеколог шифокор вазифаси бўш (вакант) бўлгани боис учала доя ўз хоҳишлари билан ўриндошлик асосида ишлашга ўтиши керак, дейишган. Албатта, қарор ҳеч кимга ёқмаган. Қўп ўтмасдан маъмурият ўзининг иккинчи шартини ҳам айтиди: «Ҳамширалар поликлиникада ишлаш учун гинеколог шифокор топиб келишса, ўз ўринларини сақлаб қолишлари мумкин».

Ун беш йиллик кадрдон гўшасидан кетишни истамаган ҳамширалар чор-тарафга елиб-югуришди. Охири бир гинеколог шифокорни оилавий поликлиникада ишлашга кўндиришди.

Чучварани хом санаган эканмиз, – дея эъгиришади улар. – Бўш турган вазифа эгалланган бўлса-да, ҳеч бир сабабсиз ўриндошлик асосида ишлашга ўтишимиз аниқ бўлиб қолди. Бу ҳақда юқори идораларга қилган мурожаатларимиз исзис қолавергач, касба уюшмалари билан боғландик.

Ариза юзасидан Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат инспекцияси, туман тиббий бирлашмаси касба уюшма кўмитаси музокарага киришди. Маъмурият олдида қонунчилик доирасида иш юритиш талаби қўйилди. Ҳар учала ҳамширанинг

ҳуқуқлари тикланди... Мақолага шу ерда нуқта қўйсақ ҳам бўларди. Аммо баъзи туман соғлиқни сақлаш бўлиmlари томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар хусусида тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Маълумки, вилоятда соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги моделини жорий этиш тажриба-синови амалиётдан ўтказилган.

– Афсуски, тизимдаги ислохотлар жараёнида айрим туманларда штат меъёrlарининг ўзгариши юзасидан фармон ва қонунга зид равишда меҳнат шартномаларини бекор қилиш ҳолатлари учрапти, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Фалиб Рустамов.

– Биргина январь ойининг ўтган ўн беш кунидида тизим ходимларидан айни йўналишда 9 та мурожаат қабул қилдик. Етти ҳолатда ходимларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Қолганлари бўйича музокаралар олиб борилди. Ислохот инсон, унинг кадр-қиммати учун. Ташаббусни суиестемол қилиш, кўр-кўрона ёндашнинг охири вой. Демак, ўзгараётган тизим мутасаддилари йўл қўйилган хатолардан тегишли ҳулоса чиқармоғи зарур.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

1211 эшиклар...

Бор бўл, оқибат!

ган кадр экан, – дейди отахон. – Умрим давомида шу ҳақиқатга таяндим. Касаба уюшмалари тизимида фаолият юритиш мен учун катта мактаб вазифасини ўтади. Бу даргоҳда инсонларни кадрлашни, адолатдан оғишмаслиқни ўргандим.

Отахон ўзини йўқлаб келганларга самимий тилаклар билдириб, ўзларига соғлиқ-саломатлик, ишларига омад тилади.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

СОКИНЛИК ВА ДЎСТЛИК МАНЗИЛИ

Табиат бағрида, сукут ва сокинлик ҳукм сурган жойда дам олишнинг гашти бошқача. «Бўзатов» санаторийси танадаги чарчоқни, қалбдаги изтиробни кетказадиган ана шундай масканлардан бири. У соғлом ҳаётга интиланлар, малҳам истаганлар учун қисқа фурсатда ишончли манзилга айланди. Айни пайтда бу маскан юртимизнинг турли ҳудудларидан, шунингдек, қўшни давлатлардан келган меҳмонлар билан гавжум.

– Довруғини эшитиб, даволаниш мақсадида Қозоғистондан келдим, – дейди Елмурат Байдуллаев. – Шарт-шароитлар, сервис хизмати қутганимдан-да, аъло экан. Ошқо-

зонимдаги оғриқ кетиб, ўзимни анча тетик ҳис қиламан. Айниқса, шифокорларнинг ширинсуханлиги кўнглимни тоғдек кўтарди.

Хоразмлик Сардор Юсупов ҳам бу жойдаги тинч муҳит, гўзал табиат инсонга ўзгача ҳузур, куч ва ғайрат бағишлашини таъкидлади.

200 ўринли ётоқхона ва иккита оилавий коттежда барча шарт-шароитлар мужассам. Сихатгоҳда терапевт, невропатолог, кардиолог, гинеколог каби малакали мутахассислар томонидан ҳаракат-таянч тизими, овқат ҳазм қилиш органлари, юрак-қон томир, асаб ҳамда эндокрин ти-

зими касалликлари бўйича соғломлаштириш ва реабилитация хизматлари кўрсатилади. Бундан ташқари, лаборатория таҳлиллари, ЭКГ, УЗИ каби замонавий диагностика текширувлар, шунингдек, нафас олиш тизими касалликлари учун туз гури, оксигенотерапия, турли гидромассаж ва физиотерапевтик муолажалар амалга оширилади. Қўшимча равишда парафин ва балчиқ билан даволаш, бассейн, турк ҳаммоми, фин саунаси, трена-

жёр зали ҳамда спорт ва болалар майдончалари, маданият саройи, кутубхона дам олувчилар ихтиёрида. Соғломлаштириш жараёнида асосий омил сифатида шифобахш артезан сувларидан фойдаланилмоқда.

Сирасини айтганда, «Бўзатов» сихатгоҳи саломатлиқни асраш, инсонни улуглаш ва соғлом жамият барпо этиш йўлида муносиб хизмат қилмоқда.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Саломатлик

Буюк муваффақиятлар қатъият ва кунт-матонатнинг натижаси, холос.

Сэмюэль Жонсон

ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Навоий ва Тошкент вилоятларида тажриба тариқасида чой етиштириш ишлари бошланган. Жумладан, Самарқанд вилояти Ургут тумани тоғ ва тоғ олди ҳудудларида Грузиядан келтирилган «Колхида» ва «Букети» навлари экилган. Бироқ мазкур навлар маҳаллий иқлим шароитига етарлича мослашмагани сабабли кутилган натижаларга эришилмаган, сақлаб қолинган кўчатлардан олинган маҳсулотда дориворлик ва фойдали хусусиятлар пастлиги кузатилган.

Шунингдек, чой етиштириш бўйича маҳаллий тажриба ва амалий кўникмаларнинг етарли эмаслиги, иқлим шароитининг кескинлиги ҳамда намлик даражасининг пастлиги янги плантациялар ташкил этишда муайян муаммоларни келтириб чиқарган.

Мутахассислар хулосасига кўра, истикболли чой плантациялари денгиз сатҳидан 1000–2000 метр баландликда жойлашган, мўътадил иқлимли, ёгингарчилиги кўп бўлган тоғли ҳудудларда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Чой етиштириш учун тупроқнинг рН кўрсаткичи 4,5–6,5, ҳаво ҳарорати ўртача 10–25 °С, намлик даражаси эса 70–80 фоиз бўлиши талаб этилади. Ўзбекистон шароитида эса ўртача ҳарорат 13–15 °С, намлик миқдори 40–50 фоизни ташкил этади.

Ушбу омилларни инобатга олган ҳолда, ҳозирги кунда мамлакатимизда чой етиштиришни илмий асосда йўлга қўйиш бўйича тадқиқот ишлари изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, 2023–2025 йилларда Тошкент давлат аграр университети олимлари томонидан турик иқлим ҳудудларида чой ўсимлигини интродукция қилиш ва агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқотлар Япониядан келтирилган «Саямакоори», «Саяма-

дори», «Фушин», «Хокимидори» ва «Хокима» навлари асосида Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ҳамда Фарғона вилояти Фарғона туманида, денгиз сатҳидан 1000–1600 метр баландликдаги ҳудудларда амалга оширилди. Ушбу жараёнда Япониянинг Токио қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университети олимлари ҳамда Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида жойлашган «Салохоул» чой компанияси мутахассислари билан ҳамкорлик қилинди.

Илмий натижаларга кўра, «Фушин» ва «Хокимидори» навлари маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига нисбатан яхшироқ мослашган, қолган навлар эса самара бермаган. Аини пайтда Хитой, Россия, Грузия, Озарбайжон ва бошқа давлатлардан иқлимимизга мос навларни олиб келиш, уларни адаптация қилиш ва етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Жумладан, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида чой етиштириш имкониятлари ўрганилмоқда.

Шу билан бирга, Тошкент давлат аграр университети олимлари томонидан чой ўрнини босувчи маҳсулот сифатида тут дарахти баргидан чой ишлаб чиқариш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида «Нурлитонг сий» МЧЖ томонидан Хитой технологияси асосида қора ва кўк турдаги тут барги чойи ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Вазир ўринбосари Қ.ЮЛДАШЕВ



«Ishonch» газетасининг 2026 йил 20 январдаги сониди эълон қилинган «Бултурги ҳолат такрорланмайди?» сарлавҳали мақолага кўндалмақда муносабат билдирди:

«Ishonch»га жавоб берадилар

«Бугунги кунда аҳолининг картошка бўлган талабини қондириш, ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда деҳқонларга сифатли уруғлик ет-

казиб бериш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2025 йили республика бўйича жами 237 минг гектар майдонга картошка экилиб, шундан 97 минг гектари фермер хўжаликлари, 140 минг гектари эса деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқалари ҳиссасига тўғри келди. Ушбу майдонлардан 3,8 миллион тонна картошка ҳосили олинди.

Шу билан бирга, республика шароитида илк бор Қашқадарё вилояти, Китоб туманида денгиз сатҳидан 700 метр баландликда жойлашган ер майдонида Мисрининг юқори авлодди уруғлик картошка ишлаб чиқарувчи «EFC Plants Tissue Culture S.A.E.» компанияси билан ҳамкорликда

БУЛТУРГИ ҲОЛАТ ТАКРОРЛАНМАСЛИГИ УЧУН МУСТАҲҚАМ ЗАМИН ЯРАТИЛАДИ

«CARA» навли картошканинг (G1) 500 минг дона минутуганаклари 5 гектар майдонга синов тариқасида экилди. Натижада ушбу майдондан 150 тонна супер элита уруғлик картошка етиштирилди.

Картошка уруғчилигини янада ривожлантириш мақсадида 2025 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-269-сонли қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, 2026 йилдан бошлаб ҳар йили картошканинг in-vitro ўсимликлари ва микротуганакларидан 10 миллион дона минутуганак етиштириш харажатларини қоплаш учун республика бюджетидан 1,5 миллион АҚШ доллари эквивалентида маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар ҳисобидан етиштирилган, унувчанлик даражаси 85 фоиздан кам бўлмаган минутуганаклар ихтисослашган туманлардаги юқори авлодди уруғлик етиштирувчиларга бегарас етказиб берилади. Хусусан, 2026 йилда 4 миллион дона, 2027 йилда 6 миллион дона, 2028 йилдан бошлаб эса 10 миллион дона минутуганак етказиб берилиши режалаштирилган. Натижада фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида 2027 йилда 2,5 минг тонна, 2028 йилда 27 минг тонна, 2029 йилда 147 минг тонна ва 2030 йилда 747 минг тонна юқори авлодди уруғлик картошка етиштириш прогнози қилинмоқда. Шунингдек, 2026 йил ҳосили учун картошка экиладиган майдонлар 284 минг гектарга етказилиб, бу 2025 йилга нисбатан 47 минг гектарга кўпдир. Ушбу майдонларда 4,5 миллион тонна ҳосил

етиштириш режалаштирилган. Юқори авлодди уруғлик картошка етиштиришга ихтисослашган 9 та туманда тажрибали уруғлик етиштирувчилар танлаб олиниб, 4 миллион дона минутуганак бегарас ажратилади. Улар 40 гектар майдонга экилиб, 1,2 минг тонна супер элита уруғлик олиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, 2025 йил ҳосилидан жамғарилган ҳамда хориждан келтирилган элита уруғликлар ҳисобидан жами 40 минг тонна сифатли уруғлик картошка етиштирувчиларга устамаларсиз етказиб берилиб, 15 минг гектар майдонга экилади. Бу эса ҳосилдорликни 25-30 фоизга ошириш имконини беради.

Кўшимча равишда 10 минг гектар майдонда интенсификация технологиялар (томчилатиб, ёмғирлатиб сугориш ва плёнка) жорий этилиб, ушбу майдонларда ҳосилдорлик 15-20 фоизга оширилади. Шунингдек, фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг айланма маблағларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 145 минг гектар ерда картошка етиштириш учун Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар (йиллик 12 фоиз ставкада) ажратилади.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирлар аҳолини картошка маҳсулотига ишонч қилинмоқда. Шунингдек, ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлаш ҳамда бултурги ҳолат такрорланмаслиги учун мустаҳқам замин яратилади.

Вазир ўринбосари Қ.ЮЛДАШЕВ

«Ишонч» газетасида эълон қилинган «Ўзбек чойи қачон дунё юзини кўради?» сарлавҳали мақолада кўтарилган масала юзасидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қуйидагиларни маълум қилади:

Ўзбекистонда аҳолини чой маҳсулотига таъминлаш ва ушбу йўналишда илмий асосланган ишларни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилдаги тегишли қарорига мувофиқ «Ўзбекизоқовқатхолдинг» холдинг компанияси ташаббус билан «Чой етиштиришни ривожлантириш илмий-ишлаб чиқариш маркази» ташкил этилган. 2018 йилдан бошлаб Самарқанд,

ГРЕНЛАНДИЯ КАТТА ҲИММЕТ ҚУРБОНИ (МИ?)

АҚШ Гренландияни бошига урадимиз? Нега бу масала атрофидаги баҳс-мунозаралар тўхтамайпти? Авваламбор, Гренландияни АҚШга қўшиб олиш ҳақидаги гап-сўзлар Дональд Трампнинг биринчи президентлик давридан бери давом этиб келяпти. 2019 йилнинг 19 августидан у илк бор Гренландияни сотиб олиш ғоясини илгари сурган эди. Шундан буён АҚШ ва Дания ўртасида шимолий орол тақдири масаласидаги ҳар қандай фаоллашув жамоатчилик норозилигини кўзатмоқда. Хусусан, шу йил 17 январь кунини Гренландия масаласида музокаралар ўтказиш учун АҚШ делегацияси Данияга ташриф буюргач, минглаб одамлар кўчаларга чиқди. Копенгаген ва орол пойтахти Нуукда намойишчилар «Гренландия сотилмайди!» деган шиор остида норозилик акциялари ўтказдилар.

Аслида, Гренландия атрофидаги можарода орол экин аҳолиси тақдири иккинчи даражада масала. У XXI асрда халқаро муносабатлар қайси қонун-қоидалар асосида шаклланади, куч устунини ёки ҳуқуқ деган саволларни кун тартибига чиқаряпти.

Ҳақиқатан ҳам, Даниянинг автоном ҳудуди саналган Гренландия АҚШга нима учун керак? Бунинг бир нечта сабаблари бор. Уларнинг барчаси АҚШ келажаги билан боғлиқ.

Авалло, миқёснинг тасаввур қилиб кўринган Гренландия тахминан 56 минг киши яшайди. Яъни, у Асака шаҳри аҳолисидан биров кўпроқ нуфусга эга. Аммо у дунёдаги энг йирик орол ҳисобланади: майдонини жиҳатидан Франция, Германия, Испания ва Италияни қўшиб ҳисоблаганда ҳам катта. У – жуда кам аҳоли ва максимал стратегик аҳамиятга эга улкан ҳудуд. Геосиёсат учун зўр имконият.

АҚШнинг Гренландияга қизиқишидаги биринчи ва энг нозик сабаб хавфсизлик масаласидир. Дональд Трампнинг фикрича, Гренландия келажақда барпо этилажак ракеталарга қарши мудофаа тизимининг асосий унсурини ҳисобланади. Бу тизим «Golden Dome» – «Олтин гумбаз» деб аталади.

Содда қилиб айтганда, Евроосиё ҳудудида – Россия ёки эҳтимоллиқ тарзда Хитойдан учурилган ракеталар Арктика орқали учиб ўтади. Бу – энг қисқа траектория. Демак, арктик маконни назорат қилган томон эрта огоҳлантириш учун қўшимча сониялар ва дақиқаларга эга бўлади. Ядровий тийиб туриш шароитида бунинг назаридан кўра кўпроқ «қулғуриш» ёки «қулғурмаслик» ўртасидаги ҳал қилувчи фарқ, дея баҳолаш мумкин.

Гап техник устунлик ҳақида кетмаёпти. Гап – Америкача ташқи сиёсат тафаккурининг ўзгараётганида. Агар совуқ уруш даврида хавфсизлик иттифоқчилар билан ҳамкорликда таъминланган бўлса, XXI асрда Вашингтон тобора кўпроқ мустақил, ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган назорат моделини яратяпти.

1951 йилда Дания билан тузилган келишувга мувофиқ, АҚШ Гренландия ҳудудида исталган миқдорда ҳарбий куч жойлаштириш ҳуқуқига эга. Аини пайтда оролнинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган «Питтуфи» космик ҳарбий базасида 150 нафарга яқин америкалик ҳарбий хизматчи хизмат қилмоқда. Совуқ уруш даврида уларнинг сони 10 минг нафар атрофида эди.

Ушбу ҳарбий база ҳозир АҚШнинг эрта огоҳлантириш тизимига интеграцияланган. Бироқ Пентагон ва Дональд Трампга бу камлик қилади. АҚШга ҳаракатларни чекловчи ижара шакли эмас, тўлиқ назорат остидаги мудофаа тизими керак. Радарлар қаерга жойлаштирилади, қайси ҳудудлар ёпилади, қайси қарорлар иттифоқчиларсиз мустақил қабул қилинади, деган масалаларни Вашингтон бир ўзи ҳал этмоқчи.

Хуллас, АҚШнинг Арктикадаги имкониятлари чекланган. Бу эса узоқ мuddатли хавфсизлик нуқтаи назаридан жиддий муаммо ҳисобланади. Қолаверса, Украина бўйича илгари сурилган тинчлик ташаббуслари кутилган натижа бермаётган бир пайтда, Трампга Конгресс сайловлари арафасида ташқи сиёсатда салмоқли ютуқлар керак.

Дональд Трамп учун геосиёсат – аниқ активлар мажмуаси. Ҳудуд – ресурс дегани, иттифоқ – вақтинчалик келишув, хавфсизлик эса шерикликка эмас, мулкка таянади. Гренландияга муносабатда айнан шундай тафаккур устунилигини кўриш мумкин.

Иккинчи сабаб эса соф ҳарбий мантқиқ доирасидан ташқарида. Келажак нуқтаи назаридан Арктика жуда катта аҳамиятга эга. Шимолий денгиз йўллари Осиё, Европа ва Америка ўртасидаги масофани бир неча ҳафтага қисқартириш имконини беради.

XX асрда Сувайш канали глобал савдо тақдирини қандай белгиланган бўлса, XXI асрда Арктика денгиз йўллари шундай аҳамият касб этиши мумкин. Ким ушбу йўллари назорат қилса, у тарифлар, хавфсизлик ва сиёсий шартларни ҳам белгилайди.



Гренландияни қўлга киритиш заруратини изоҳлар экан, Трамп орол атрофида Хитой ва Россия кемалари мавжудлиги билан боғлиқ хавф-хатарларни ҳам тилга оляпти. Бироқ АҚШ Мудофаа вазирлиги вакиллари ҳозирча бу таҳдид кучайгани ҳақида аниқ далиллар йўқлигини таъкидлашмоқда.

Ана шу географик манзарада Гренландия чўктириб бўлмайдиган, қотиб қолган авиакемага ўхшайди. Орол устидан назорат ўрнатилган денгиз қатновини кузатиш, ҳарбий инфратузилмани жойлаштириш ва ҳаракат қоидаларини белгилаш имконини беради.

Учинчи сабаб эса музликлар остида яширинган. Гренландия нодир ерости бойликларига, хусусан, рангли металллар, уран, графит ва эҳтимол, нефть-газ захираларига эга. Ҳозирча уларнинг катта қисми ўзлаштирилмаган. Бу – жуда қиммат, технологик жиҳатдан мураккаб ва сиёсий жиҳатдан ўта нозик масала. Бироқ XXI аср стратегик тафаккури «Эртага нима қазиб оламиз?» деган савол атрофида эмас, балки «Ун ёки йигирма йилдан кейин нима қазиб олиш мумкинлигини ким ҳал қилади?» деган масала атрофида шаклланыпти. Замонавий геосиёсатда дастлабки назорат ҳуқуқи кўпинча реал иқтисодий фойдадан ҳам қимматроқ ҳисобланади.

Кўшма Штатлар нодир ер элементлари бўйича Хитой таъминот заминларига ўта боғлиқ қолган. Гренландия эса манбаларни диверсификация қилиш, рақиблар имкониятларини чеклаш ва оролни Ғарб технологик экотизимига интеграция қилиш имконини беради.

Ана шундай бир вазиятда Вашингтондан янграётган пўписаларни асло тасодиғий деб бўлмайти. Дунё ўзгарди. Тақиқлар даври туғди. Санкциялар, тарифлар, иқтисодий босимлар одағий ҳолга айланди. Илгари бундай усуллар рақибларга нисбатан қўлла-

нилан бўлса, ҳозир иттифоқчиларга нисбатан ҳам ишлатилмоқда.

Ана шу маънода Гренландияни қўлай синов майдонига қийёсла бўлади. Тўғри, у расман Данияга тегишли. Аммо географик жиҳатдан узоқ, аҳолиси кам, иқтисодийи анча заиф. Данияга қўлланилаётган босимлар, шубҳасиз, Европа Иттифоқини ҳам ташвишга соляпти. Бу аввалги иттифоқдошлар орасини бузади, албатта.

Бироқ глобал баҳсларда кўпинча унутилмайдиган жиҳат бор: Гренландия – бўш ҳудуд эмас. Бу жамият, деярли тўлиқ маҳаллий халқ – калаалитлардан иборат. Улар мустамлакачилик ва мажбурий қарорлар инсон қадрини қанчалар поймол қилганини яхши эслайдилар.

Шунинг учун «сотиб олиш», «компенсация» ёки «ҳар бир инсонга миллион доллар» каби таклифлар ўтмиш зўравонликларининг қайта тирилиши сифатида қабул қилинади.

Қизиғи шундаки, ташқи босим ички жараёнларни тезлаштиради. Катта ўйинчилар қанчалик фаоллашади, Гренландия ичида тўлиқ сиёсий мустақиллик ҳақидаги фикрлар ҳам шунчалик жиддий тус оляпти.

Шу маънода, Гренландия учун курашда орол тақдирини ҳал бўлмаяпти. Уни янги дунё тартиби қандай шаклланишини синовдан ўтказаятган репетиция, десақ, тўғрироқ бўлади. Бу жараён ё Европа ва Америка ўртасидаги ишонччи янада емириши, ёки Гренландиянинг мустақилликка интилишини тезлаштириб юбориши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам, бу баҳс XXI аср геосиёсати қанчалик кескин тус олаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Ҳаҷонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»

